

**«OFB Mobile Business» (OFB MoB) дастури орқали ҳисобварақларни
кузатиб боришни амалга оширишга
ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

“Ориент Финанс” ХАТБ (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) ва Корхона (кейинги ўринларда “Мижоз” деб юритилади), «OFB Mobile Business» (OFB MoB) (кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритилади) дастури орқали ҳисобварақни кузатиб боришни амалга ошириш учун Шартномага қўшилишга ариза киритиш йўли билан қуйдагиларга келишиб олдилар.

1. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага кўра, Банк «OFB Mobile Business» (кейинги ўринларда «OFB MoB» деб юритилади) дастурини ўрнатиш, ишни ташкил этиш ва хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади, Мижоз эса талабларга риоя қилган ҳолда «OFB MoB» дастуридан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

1.2. Мижоз «OFB MoB» тизими бўйича ХАТБ “Ориент Финанс”да очилган ҳисобварақини амалдаги қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда ва шартларда кузатиб бориш, шунингдек ҳисобварақ бўйича актив операцияларни амалга ошириши (агар бунга OFB MoB дастурини ўрнатиш далолатномаси асосида рухсат этилган бўлса) мумкин.

1.3. Банк мазкур шартноманинг 3.4.1. бандида келтирилган талабларга жавоб берадиган Мижознинг мобил қурилмасига «OFB MoB» дастурини далолатнома (мазкур шартноманинг 1-илоvasи) асосида ўрнатади ва ушбу дастур ишини ташкил этади.

1.4. Тизимда ишлашнинг ягона вақт ўлчов шкаласи сифатида Тошкент вақт минтақаси қўлланилади. Назорат вақти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аппарат воситалари тизим соати ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Мижоз «OFB MoB» тизимидан фойдаланганлик учун Банкнинг Тарифларига мувофиқ коммиссион ҳақ тўлайди.

2.2. Тўлов Мижоз томонидан, Мижоз ҳисобининг фаолиятдан қатъий назар ҳар ойнинг 1-кунида амалга оширилади.

2.3. Агар мижоз коммиссион тўловларни тўламаса, Фуқаролик кодексининг 776 ва 783-моддаларига мувофиқ Банк мижознинг топшириғи ва розилигисиз мижознинг ушбу шартнома бўйича юзага келадиган қарздорлигини барча ҳисобварақлардаги мавжуд пул маблағлари ҳисобидан ечиб олиш ҳуқуқига эга.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуйдаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Мижоз «OFB MoB» тизимида ишлаш учун, Мижознинг мобил қурилмасига дастурни ўрнатиш ва сертификатлаш учун зарур ишларни бажариш.

3.1.2. Мижоз томонидан кейинчалик дастурдан фойдаланиши учун, Мижознинг мобил қурилмасига ўрнатилган дастурни фаоллаштириш бўйича ишларни бажариш.

3.1.3. «OFB MoB» тизимидан фойдаланганлик учун Мижознинг ҳар чоракда бир ойдан ортиқ (обуна тўлов ставкалари бўйича), кейинги чоракнинг биринчи ойида қарздорлиги мавжуд бўлса, унга тақдим этилган хизмалар учун қарздорлик тўлиқ тўлагунга қадар «OFB MoB» тизимидан ўчириш.

3.1.4. **АРИЗАДА** кўрсатилган махфий сўзга рухсатсиз киришдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

3.2. Банк қуйдаги мажбуриятларга эга:

3.2.1. Мижозга «OFB MoB» тизимида фойдаланиш тартиби ва шартлари ҳақида тушунтиришлар бериш.

3.2.2. Амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг учунчи шахсларга ошкор этмаслик.

3.2.3. Мижоздан унинг «OFB MoB» дастури ўрнатилган мобил қурилмаси йўқолганлиги ёки ўғирганлиги тўғрисида ёзма хабар олингандан сўнг «OFB MoB» тизимидан ўчириш.

3.2.4. “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган ҳолларда Мижозни «OFB MoB» тизимидан ўчирилади.

3.3. Мижоз қуйдаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1. Мижоз ўз банк ҳисобварағини кузатиб бориш;

3.3.2. Амалдаги қонунчилик ва мазкур шартномада назарда тутилган тартибда ҳисобварақ бўйича актив операцияларни амалга ошириш;

3.3.3. Ҳисобварақ бўйича амалга оширилган операциялар ҳақида маълумот олиш;

3.3.4. «OFB MoB» тизимида ишлаш қоидалари ва ушбу қоидаларга киритилган ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш;

3.3.5. «OFB MoB» тизимидан ўчирилиш учун аризани ушбу тизимдан ўчириш мўлжалланган санадан 3 (уч) иш куни олдин бериш.

3.4. Мижоз қуйдаги мажбуриятларга эга:

3.4.1. «OFB MoB» дастурига уланиш учун қуйдагиларга эга бўлиш талаб этилади:

– Соз ҳолатдаги ва iOS камида 6.0. версиядаги, ёки Android камида 4.0. версиядаги операцион тизимида ишлайдиган мобил қурилма;

– Интернетга кириш имконияти;

– Интернет хизматларидан фойдаланиш учун мобил қурилма ҳисобида етарли маблағ бўлиши;

– Зарарли хакерлик дастурларсиз қурилмага, операцион тизимида маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган қурилмага;

3.4.2. «OFB MoB» дастуридан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик;

3.4.3. Агарда «OFB MoB» дастури ўрнатилган мобил қурилма ёқолган ёки ўғирланган тақдирда Мижоз шу куннинг ўзида ёзма равишда банкка мурожаат қилади (йўқотиш ёки ўғирланган кун. Агар йўқотиш ёки ўғирлик куни ҳафта охири ёки ишламайдиган кун бўлса, унда биринчи банк иш куни).

3.4.4. Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун Банк Тарифларига мувофиқ ўз вақтида ҳақ тўлаш.

3.4.5. Банкдан олинган авторизация маълумотлари (логин/пароль)дан тўғри фойдаланиш. Учунчи шахсларга фойдаланиш учун авторизация маълумотларини ва махфий калитни бермаслик;

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Банк қуйдаги жавобгарликларни ўз зиммасига олади:

4.1.1. Банк мижоз ҳисобидаги операцияларни тўғри акс эттириш ва электрон тўлов тизими орқали ахборотни ўз вақтида узатиш учун жавоб беради. Мижознинг банк томонидан қабул қилинган ва ҳимояси текширилган (дешифрация) буюртмлари ижро учун мажбурий ҳисобланади, ушбу шартноманинг 3.2.3-бандида келтирилган ҳолатлар, шунингдек белгиланган муддатдан кечикиб юборилган буюртмалар бундан мустасно.

4.1.2. Банк назоратидан ташқари ҳоллардаги, шунингдек Мижоз белгиланган техник шартларга риоя қилмаган ҳолларда ахборат жўнатишда ва қабул қилишда узилишлар учун жавобгар эмас.

4.1.3. Мижоз томонидан тақдим этилган мобил қурилмага (мобил қурилма ўғирланган ёки мижознинг мулки бўлмаган) «OFB MoB» дастурини ўрнатганлик учун Банк Мижоз ва/ёки учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди

4.2. Мижоз қуйдаги жавобгарликларни ўз зиммасига олади:

4.2.1. Мижоз банк томонидан ўрнатилган «OFB MoB» дастурининг тўғри ишлаш ҳолати ва ундан учинчи шахслар фойдаланиши учун жавобгардир. Агар мижоз ушбу талабларга риоя қилмаса, мижозга тегишли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор бўлиши учун шахсан жавобгар бўлади.

4.2.2. Мижоз махфий калитнинг хафсизлиги ва рухсатсиз учинчи шахслар томонидан унга киришдан ҳимояланиш учун жавобгардир. Махфий калит юридик кучга эга. Мижоз учинчи шахслар томонидан махфий калитдан фойдаланиш натижасида кўрилган ҳар қандай зарар учун Мижознинг ўзи жавобгардир.

4.2.3. «OFB MoB» дастури ёрдамида амалга оширилган барча актив операциялар Мижоз (Мижоз томонидан тасдиқлаган) томонидан амалга оширилган деб тан олинади ва эътирозлар кўриб чиқилмайди. «OFB MoB» дастури ёрдамида амалга оширилган барча актив операциялар учун мижоз жавобгар ҳисобланади.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. «OFB MoB» дастури банкнинг мулки ҳисобланади. «OFB MoB» дастури орқали қабул қилинган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунга мувофиқ юридик кучга эга.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**«OFB MoB» дастурини ўрнатиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ ш. «_____» _____ 20__ й.

«Ориент Финанс» ХАТБ (кейинги ўринларда «Банк») номидан низом ва 20__ йил _____ даги №__ ишончномага асосан фаолият юритувчи _____, Ф.И.Ш., бир томондан ва _____ (корхона номи) (кейинги ўринларда «Мижоз») номидан Устав /ишончномага асосан иш юритувчи _____ Ф.И.Ш, иккинчи томондан, ушбу далолатномани қуйидаги шартлар асосида туздилар.

Мижознинг IMEI рақами _____ бўлган _____ мобил қурилмасига, фаоллаштириш жараёнида рўйхатга олинган логин билан «OFB MoB» дастури ўрнатилди ва унинг нормал ишлаши таъминланди.

«OFB MoB» дастури орқали ҳисобварақ бўйича актив операцияларни амалга оширишга имконият берилди. *(фақатгина мижоз томонидан ҳисобварақ бўйича актив операцияларга рухсат бериш истагини билдирилган тақдирда мазкур банд киритилади)*

Мижоз Банкка тақдим этилган мобил қурилмада зарарли дастурлар мавжуд эмаслигини тасдиқлайди ва учинчи шахслар томонидан дастурдан фойдаланганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилди.

Мижоз «OFB MoB» дастурининг хавфсиз ҳолатига шахсан жавоб беради ва бу дастур учинчи шахслар томонидан қўлланилмаслигини кафолатлайди.

«Банк»

_____ Манзил:

Тел.:

Факс:

Банк реквизитлари:

Ҳ/р:

МФО:

СТИР:

Бошлиқ/Бошқарувчи

«Мижоз»

_____ Манзил:

Тел.:

Факс:

Банк реквизитлари:

Ҳ/р:

МФО:

СТИР:

Раҳбар
